

Сулҳга жой қолсин!



09:01 / 17.11.2019 2532

Суфён ибн Уяйнадан ривоят қилинади: «Ибн Айёш Умар ибн Зарр ҳақида гапирса, ноўрин гапларни айтиб, уни ҳақорат қиларди. Бундан хабар топган Умар ибн Зарр бир куни Ибн Айёшни учратиб қолиб, ҳалимлик билан: «Эй Ибн Айёш, сен бизни сўкишда жуда ошириб юбормагин, сулҳ учун ҳам жой қолдиргин (яъни «Қайтиб ярашса бўладиган қилиб сўккин»). Чунки биз ўзимиз ҳақимизда Аллоҳ таолога осий бўлган кишини Аллоҳ таолога итоат қилиш билан жазолаймиз», деб уни уялтирди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан